



9 февраль 2018 й.г. № 103

Тошкент ш. – г. Ташкент

Ариза берувчи - уй қурувчининг 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида” 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сон, “Осиё тараққиёт банки иштирокида 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 2 мартдаги ПҚ-2812-сон ҳамда “2018 йилда уй-жой қурилишини ривожлантириш мақсадли дастурларини самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 18 январдаги ПҚ-3480-сон қарорларини бажариш юзасидан, шунингдек, қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуришда иштирок этувчи потенциал уй қурувчиларни танлаб олиш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ариза берувчи - уй қурувчининг 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ариза берувчи - уй қурувчининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиялари асосида 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 24 ноябрдаги 393-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 11-сон, 106-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари - “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

**Ариза берувчи - уй қурувчининг 2017-2021 йилларда қишлоқ
жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар
қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисида
Низом**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сон қарори билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) доирасида тегишли туман ҳокимлиги ҳузурида ташкил этиладиган талабгорларни танлаш комиссияси томонидан аниқланадиган потенциал уй қурувчиларнинг қишлоқ жойларда арзон уй-жойларга бўлган ижтимоий эҳтиёжларидан ва Дастур доирасида потенциал уй қурувчиларнинг ижтимоий устуворлигидан келиб чиқиб, қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қуриш учун уй қурувчиларни танлаб олиш ва уларнинг иштирок этиши тартибини белгилайди.

2. Агар Дастур доирасида қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қуриш учун жалб этилган хорижий кредитлар ва грантларни бериш шартларида ушбу Низомда назарда тутилган қоидалардан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро ва хорижий молиявий ташкилотларнинг тегишли амал қилувчи ҳужжатларида белгиланган қоидалар қўлланилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оила - бошқа оила ёхуд бошқа оилалар билан бир уйда (бир квартирада) биргаликда яшовчи оила; кўп болали оилалар; тўлиқ бўлмаган оилада болани (болаларни) тарбиялаётган оналар (оталар); даромади юқори бўлмаган оила; таркибида биринчи гуруҳ ногирони бўлган ёхуд сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи ва қонун ҳужжатларига мувофиқ алоҳида хонада яшашга эҳтиёж сезувчи шахс бўлган оила, шунингдек уй-жой майдони қонун ҳужжатларида назарда тутилган (бир шахс учун умумий уй-жой майдони 16 кв.метрдан кам бўлмаган, курси-қоляскадаги ногиронлар учун 23 кв.метрдан кам бўлмаган) уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ бўлмаган оилалар;

даромади юқори бўлмаган оила – бир ойдаги жами даромади ҳар бир оила аъзосига белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдоригача тўғри келадиган оила;

Комиссия – тегишли туман ҳокимлиги ҳузурида ташкил этиладиган ва камида тўққизта аъзони ўз ичига олган, жумладан, туман ҳокими, туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими раҳбари, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Хотин-қизлар кўмитаси туман бўлинмаси раиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туман кенгаши раиси, туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази раҳбари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши вакилидан иборат талабгорларни танлаш бўйича доимий ишлайдиган комиссия. Комиссия ишига кузатувчилар сифатида иштирок этувчи тижорат банкининг филиали бошқарувчиси, инжиниринг компанияси филиалининг директори, тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ёки улар томонидан вакил қилинган шахслар жалб қилиниши мумкин;

ариза берувчи - қишлоқ жойларда доимий яшовчи ва уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида Дастурда иштирок этиш учун ёзма тавсия олиш учун Комиссияга ариза берган уй-жойга муҳтож бўлган Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароси;

Дастурда иштирок этиш учун ариза ва ҳужжатлар тақдим этилишининг охириги санаси – кейинги йилда Дастурда иштирок этиш истагини билдирган барча ариза берувчиларнинг рўйхатини шакллантириши учун ҳар йиллик асосида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган Дастурда иштирок этиш учун ариза тақдим этилишининг охириги санаси;

ижтимоий мезонлар – Комиссия томонидан ариза берувчиларни танлаш ва Дастурда иштирок этишда уларнинг ижтимоий устуворлигини белгилаш учун фойдаланиладиган ариза берувчиларнинг ижтимоий ва уй-жой шароитларининг асосий кўрсаткичлари;

баллар – Комиссия томонидан ариза берувчиларни танлаш ва Дастурда иштирок этишда уларнинг ижтимоий устуворлигини белгилаш учун фойдаланиладиган ижтимоий мезонлар баҳоланиши;

талабгор - уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида Дастурда иштирок этиш учун Комиссиянинг ёзма тавсиясини олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

уй-жой қурувчи - қишлоқ жойларда доимий яшовчи, Дастур доирасида қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қуриш учун белгиланган тартибда буюртмани расмийлаштирган, унга нисбатан иштирок этувчи тижорат банкининг Дастур доирасида қишлоқ жойларда арзон уй-жой қуриш учун ипотека кредити бериш тўғрисида ижобий қарори қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

инжиниринг компанияси - Дастур доирасида қишлоқ жойларда арзон уй-жой қуриш учун уй қурувчи билан тузилган шартнома бўйича буюртмачи функциясини бажарувчи “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК” МЧЖ;

иштирок этувчи тижорат банклари - Дастур доирасида қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қуришни молиялаштиришда иштирок этувчи тижорат банклари;

ер массиви - тегишли аҳоли пункти учун ишлаб чиқилган бош режа асосида Дастур доирасида қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар ҳамда ижтимоий, муҳандислик ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қуриш учун инжиниринг компаниясига бериладиган ер участкалари;

Дастур доирасида қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар – Дастур доирасида барча намунавий лойиҳалар бўйича қурилиши мўлжалланган уй-жойлар;

ёзма тавсия - уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида Дастурда иштирок этиш учун ариза берувчига Комиссия томонидан бериладиган ёзма тавсия.

4. Комиссиянинг тавсиялари асосида уй-жой қурувчиларнинг Дастурдаги иштироки ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

2-боб. Талабгорларни танлаб олиш ва ижтимоий устуворлик асосида уларга ёзма тавсиялар бериш тартиби

5. Дастур доирасида қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қуришда талабгорларни танлаб олиш Комиссия томонидан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларни дастлабки танлаш бўйича тизимнинг шаффофлиги ва ишончилиги тамойилидан келиб чиқиб амалга оширилади.

6. Ариза берувчи ёзма тавсияни олиш учун доимий яшаш жойи бўйича Комиссияга ариза берувчининг ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ижтимоий мезонларга мувофиқлигини тасдиқлайдиган ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ ҳужжатлар илова қилинган 2-иловага мувофиқ шакл бўйича анкета-аризани (кейинги ўринларда ариза деб аталади) Комиссия раисининг номига тақдим этади.

7. Ариза берувчи Комиссияга тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ишончилиги учун жавоб беради.

8. Ҳужжатлар Комиссиянинг ваколатли шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда тилхат билан ариза берувчига топширилади. Ваколатли шахс туман ҳокими қарори билан тайинланади.

9. Аризалар ҳисоби алоҳида рўйхатдан ўтказиш журналида (кейинги ўринларда журнал деб аталади) юритилади. Журнал рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва Комиссиянинг ваколатли шахси томонидан муҳрланган бўлиши керак (журналнинг намунавий шакли ушбу Низомга 4-иловада келтирилган).

Ҳар бир аризага журналда такрорланмайдиган рўйхатдан ўтказиш рақами берилади. Аризалар журналга кетма-кетликда, улар олинishiга қараб киритилиши керак.

Аризани журналда дастлаб рўйхатдан ўтказмасдан кўриб чиқиш тақиқланади. Комиссия аризаларни уларнинг журналда қайд этилиши навбатлилигига кўра кўриб чиқиши шарт.

10. Ариза ва тақдим қилинган ҳужжатлар ариза берувчиларнинг ижтимоий устуворлигини аниқлаш мақсадида Комиссия томонидан мазкур Низомнинг талабларига мувофиқлиги юзасидан Дастурда иштирок этиш учун ариза ва ҳужжатлар тақдим этилишининг охири санаси тугаган кундан бошлаб 15 иш куни мобайнида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш якунлари бўйича ижтимоий устуворлик мезонлари асосида танлов натижалари тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

Дастурда иштирок этиш учун ариза ва ҳужжатлар тақдим этилишининг охири санаси тугагандан кейин тақдим қилинган аризалар кўриб чиқилмайди ва кейинги йилда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

11. Аризани кўриб чиқиш ва ариза берувчиларнинг ижтимоий устуворлигини аниқлашда Комиссия томонидан қуйидаги ижтимоий мезонлар ҳисобга олинади:

а) ариза берувчида мулк ҳуқуқи билан турар жойнинг йўқлиги ва турар жойда ижара шартларида ёки яшаш учун яроксиз турар жойда яшаши;

б) бошқа оила ёхуд бошқа оилалар билан бир уйда (бир квартирада) яшаши;

в) кўп болали;

г) ариза берувчи оиласининг даромади;

д) бир ёки ундан кўп бола ота-оналардан бири (тўлик бўлмаган оила) томонидан тарбияланиши ва боқилиши;

е) ариза берувчининг оила аъзолари орасида сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ алоҳида хонада яшашга мухтож бўлган шахсларнинг мавжудлиги;

ж) ариза берувчининг оила аъзолари орасида биринчи гуруҳ ногирони мавжудлиги;

з) уй-жой майдонининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган (бир шахс учун умумий уй-жой майдони 16 кв.метрдан кам бўлмаган, курси-коляскадаги ногиронлар учун 23 кв.метрдан кам бўлмаган) уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ эмаслиги.

12. Комиссия ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган муддат ичида ариза берувчининг уй-жой шароитларини ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ижтимоий мезонларга мувофиқлиги юзасидан ўрганади ва ушбу Низомга 5-иловада назарда тутилган ижтимоий мезонлардан келиб чиқиб ариза берувчининг ижтимоий устуворлигини белгилайди.

Ариза берувчининг уй-жой шароитларини ўрганиш ва ижтимоий устуворлигини белгилаш якунлари бўйича ариза берувчида уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёж амалда мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисида ижтимоий устуворликни белгилаш якунлари бўйича олинган балларни кўрсатган ҳолда текшириш далолатномаси тузилади (намунавий шакли ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ).

13. Текшириш далолатномаси икки нусхада тузилади, унинг бир нусхаси имзо қўйдирилган ҳолда ариза берувчига берилади.

14. Аризани кўриб чиқиш ва уй-жой шароитларини ўрганиш натижалари бўйича Комиссия бир иш куни мобайнида ариза берувчига кейинчалик инжиниринг компаниясининг ва иштирок этувчи тижорат банкининг филиалларига тақдим этиш учун ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича ёзма тавсия беради ёки ариза берувчини рад этишнинг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма тавсия берилиши рад этилишидан ёзма шаклда хабардор қилади.

15. Ёзма тавсия Комиссия томонидан ариза берувчига икки нусхада берилади.

Бир нусхаси талабгор томонидан унинг дастлабки шартномани тузиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун инжиниринг компаниясининг филиалига тақдим этилади, иккинчи нусха эса талабгор томонидан доимий яшаш жойи бўйича иштирок этувчи тижорат банкининг тегишли филиалига бериладиган ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризага илова қилинади.

16. Комиссия ёзма тавсиянинг тўғрилиги ва ўз вақтида берилиши, шунингдек, уни беришнинг асоссиз равишда рад этилиши учун жавоб беради.

17. Қуйидаги ҳолларда ёзма тавсия бериш ариза берувчига рад этилиши мумкин:

а) ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилиши;

б) ҳужжатлар Дастурда иштирок этиш учун ариза ва ҳужжатлар тақдим этилишининг охириги санаси тугагандан кейин тақдим этилиши;

в) тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки бузилган маълумотлар мавжудлиги;

г) ариза берувчининг уй-жой шароитларини, шу жумладан, унинг ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ижтимоий мезонларга мувофиқлиги юзасидан ўрганиш яқунлари бўйича тузилган текшириш далолатномасида ариза берувчида уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёж йўқлиги ҳолатининг асосли кўрсатилиши;

д) Дастур ва қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қуриш дастурлари доирасида илгари қишлоқ жойларда арзон уй ёки яқка тартибдаги уй олган уй қурувчининг ва/ёки унинг оила аъзолари (эри, хотини, ота-онаси, фарзандлари)нинг такрорий мурожаати.

18. Ушбу Низомнинг 17-бандида кўрсатилмаган бошқа асослар бўйича ёзма тавсия бериш рад этилишига йўл қўйилмайди.

19. Ёзма тавсия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Комиссия рад этишнинг аниқ сабабларини ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда ариза берувчига бир иш куни мобайнида ёзма билдиришнома юборади (топширади).

Ариза берувчи ёзма тавсия бериш рад этилишининг сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат ёзма тавсия бериш рад этилиши тўғрисидаги ёзма билдиришнома олинган кундан бошлаб беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

20. Ёзма тавсия бериш рад этилиши тўғрисидаги ёзма билдиришномада кўрсатилган муддат тамом бўлгандан кейин ариза берувчи томонидан берилган ариза кўриб чиқилмайди.

21. Ёзма тавсия бериш рад этилган ва аризалари ушбу Низомнинг 20-банди асосида кўриб чиқилмаган ариза берувчилар ушбу Низомнинг 6-бандига мувофиқ ёзма тавсия бериш тўғрисидаги такрорий аризани кейинги йилда беришга ҳақлидир.

3-боб. Талабгорларнинг аризалари кўриб чиқиш тартиби

22. Туман (шаҳар) хокимининг Дастур доирасида қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қуриш учун ер участкасини инжиниринг компаниясига бериш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин танлаб олинган ер массивлари, потенциал уй қурувчиларни танлаш ва ижтимоий устуворлигини белгилаш жараёнида кўриб чиқиладиган ижтимоий мезонлар, ариза ва ҳужжатлар тақдим қилиш жараёнлари ва муддатлари тўғрисидаги маълумотлар инжиниринг компанияси томонидан оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали маҳаллий аҳоли эътиборига етказилади.

23. Инжиниринг компаниясининг филиали Дастур доирасида қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қуриш хоҳишини билдирган талабгорларнинг аризаларини қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги 280-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси иштирокида яқка тартибда уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган талаблар ва муддатлар асосида улар билан дастлабки шартномаларни тузади.

24. Инжиниринг компаниясининг филиали билан дастлабки шартномаларни тузган талабгорлар иштирок этувчи тижорат банкининг тегишли филиалига ипотека кредити бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қиладилар.

25. Ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризада талабгор қурилиш учун ипотека кредити олишни мўлжаллаётган Дастур доирасида қишлоқ жойларда арзон уй-жойларнинг тури кўрсатилиши керак. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- а) ёзма тавсия;
- б) кредит олишнинг мақсади, таъминланганлиги, кредит муддати ва суммаси кўрсатилган ҳолда ипотека кредити олишга буюртманомаси;
- в) талабгор (биргаликда қарз оловчи)нинг паспорти нусхаси;
- г) яшаш жойидан оила таркиби тўғрисидаги маълумотнома;
- д) талабгор (биргаликда қарз оловчи)нинг молиявий аҳволини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- е) дастлабки бадал жамғарма омонат ҳисоб рақамига жойлаштирилганлиги тўғрисидаги маълумотнома;
- ж) инжиниринг компаниясининг филиали билан тузилган дастлабки шартноманинг нусхаси.

26. Иштирок этувчи тижорат банкининг филиаллари Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги 148-сон қарори билан тасдиқланган Яқка тартибда ҳамда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича янги типлардаги арзон уй-жойлар қурилишида қатнашувчи тижорат банклари – “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Ипотека банк” АТИБ. АТ “Халқ банки”, “Асака банк” АТБ ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомда ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги 280-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси иштирокида яқка тартибда уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган талабларга ва муддатларга мувофиқ талабгорларнинг ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқади.

27. Талабгорларни танлашда иштирок этувчи тижорат банкининг филиали Комиссия томонидан белгиланган ижтимоий устуворликни ва ёзма тавсияни эътиборга олган ҳолда талабгорларнинг кредитга лаёқатини баҳолайди.

Бунда талабгорларнинг ипотека кредити олиши тўғрисидаги буюртманомасининг биринчи навбатдаги ҳуқуқи ва навбат тартиби (кетма-кетлиги) Комиссиянинг ёзма тавсиясида кўрсатилган баллдан келиб чиқиб белгиланади. Энг юқори балл олган талабгорнинг аризаси кредитга лаёқатини баҳоланаётганда биринчи даражали навбатга эга бўлади.

28. Талабгорларнинг кредитга лаёқатини баҳолаш натижалари асосида иштирок этувчи тижорат банкининг филиали банкнинг унга ипотека кредити беришни маъқуллаши ёки рад этиши тўғрисидаги қарори ҳақида талабгорга ёзма равишда хабар қилади.

29. Талабгор (биргаликда қарз олувчи)нинг кредитга лаёқати етарли бўлмаганда ипотека кредитини олиш ҳуқуқига кейинги талабгор унинг ижтимоий устуворлиги баҳоланишидан келиб чиқиб ва кредитга лаёқатини баҳолаш талабларига жавоб берадиган талабгор эга бўлади.


30. Ипотека кредити бериш рад этилган талабгорлар кейинги йилда белгиланган тартибда ипотека кредити бериш тўғрисида такроран ариза беришга ҳақлидир.

4-боб. Яқунловчи қоида

31. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ариза берувчи - уй қурувчининг 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисидаги низомга
1 -илова

Тегишли туман ҳокимлиги ҳузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг тавсиялари асосида 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида уй қурувчиларнинг иштирок этиши СХЕМАСИ



Ариза берувчи - уй курувчининг 2017-2021 йилларда
кишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар
бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок
этиши тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Аризага илова қилинадиган ҳужжатларнинг _____-сон (аризанинг рўйхатга олиш
рақами кўрсатилади) рўйхати**

Т/р	Ҳужжат тури	Ижтимоий мезонлар учун	Бор	Йўқ
1	Ариза	Барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
2	Паспорт нусхаси	Барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
3	Солиқ тўловчининг идентификация рақами нусхаси (СТИР)	Барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
4	Оила аъзолари паспортлари ва никоҳ қайд этилганлиги гувоҳномаси (тўлиқ оила ва никоҳ ҳамда вояга етган фарзандлар мавжуд бўлган тақдирда) ва/ёки фарзандлар туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (вояга етмаган фарзандлар мавжуд бўлган тақдирда) нусхалари	Барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
5	Яшаш жойидан оила таркиби тўғрисида маълумотнома	Барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
6	Никоҳ бекор қилинганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки никоҳ бекор қилинганлиги ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб тан олинганлиги тўғрисида суд қарори (никоҳ қайд этилган ҳолатда) ёки оилавий ҳолати тўғрисида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари (ФХДЁ) архивидан маълумотнома нусхаси (никоҳ қайд этилмаган ҳолатда)	Низомнинг 11-банди “д” кичик бандида кўрсатилган мезон	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
7	Доимий иш жойларидан берилган ариза берувчи ва у билан бирга яшаётган оила аъзоларининг охириги 12 ой мобайнидаги даромадлари тўғрисида маълумотнома ёки ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган охириги 12 ой мобайнидаги даромадлар тўғрисидаги декларациялар нусхалари	Барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
8	Доимий прописка жойидан кадастр ҳужжати нусхаси (агар турар жойи доимий прописка жойи билан тўғри келса)	Низомнинг 11-банди “а” ва “з” кичик бандларида кўрсатилган мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
9	Доимий прописка жойидан уй дафтارينинг ёки квартиралар бўйича карточканинг (17-шакл) нусхаси (агар турар жойи доимий прописка жойи билан тўғри келса)	Барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
10	Ижара ёки турар жойдан текинга фойдаланиш тўғрисида шартнома ёки ер ресурслари ва давлат кадастри туман бўлинмаси маълумотнома нусхаси (ариза берувчининг мулк ҳуқуқи асосида турар жойи бўлмаган ҳолатда)	Низомнинг 11-банди “а” кичик бандида кўрсатилган мезон	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
11	Ногиронлик гуруҳи кўрсатилган ҳолда пенсия гувоҳномаси, ушбу ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясидаги туманлараро (туман) тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) маълумотнома нусхаси (оила аъзолари орасида биринчи гуруҳ ногирони мавжуд бўлган ҳолатда)	Низомнинг 11-банди “ж” кичик бандида кўрсатилган мезон	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
12	Турар жойи бўйича туман даволаш-профилактика муассасанинг врачлик-маслаҳат комиссияси (ВМК) маълумотномаси ёки ариза берувчининг оила аъзолари орасида сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ алоҳида хонада яшашга мухтож бўлган шахснинг мавжудлиги ҳолатида – туманлараро (туман) ТМЭК маълумотномаси	Низомнинг 11-банди “е” кичик бандида кўрсатилган мезон	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

Ҳужжатларни қабул қилди:

Сана: 20 ____ йил “ ____ ” _____

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Ариза берувчи - уй курувчинини 2017-2021 йилларда
қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар
бўйича арзон уй-жойлар куриш дастурида иштирок
этиши тартиби тўғрисидаги низомига
4-илова

**2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий
лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар куриш дастурида иштирок
этиш учун фуқаролардан аризаларни рўйхатга олиш
ЖУРНАЛИ**

Бошланиши: 2018 йил _____

Ариза берувчи - уй қурувчининг 2017-2021 йилларда
қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар
бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок
этиши тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

**2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар
бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида ариза берувчи-уй қурувчини танлаш ва
унинг иштирок этишида ижтимоий устуворликни белгилашнинг
ИЖТИМОЙ МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Омиллар	Балл	Тасдиқ
1	Ариза берувчи оиласининг бир аъзосига тўғри келадиган жами ҳар ойлик даромад (энг кам ойлик иш ҳақларда ҳисобланган – ЭКОИХ)		Иш жойидан маълумотнома ёки солиқ декларацияси
	ЭКОИХнинг 1,5дан 2,5 бараваригача	10	
	ЭКОИХнинг 2,5дан 3 бараваригача	5	
	ЭКОИХнинг 1,5 бараваридан кам	3	
	ЭКОИХнинг 3 бараваридан кўп	0	
2	Ариза берувчи яшаётган уй хўжалигида бир кишига тўғри келадиган турар жойнинг умумий майдони		Кадастр ишининг нусхаси ва тегишли туман ҳокимлиги ҳузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг ҳақиқий ўлчови
	16 кв.метрдан кам	10	
	16-20 кв.м	6	
	20 кв.метрдан кўп	2	
3	Оилада қуйидаги шахслар мавжудлиги:		Паспорт ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишли туман ҳокимлиги ҳузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссия баҳолаши
	биринчи гуруҳ ногирони	5	
	сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи	10	
4	Гендер мезонлари		
	Ариза берувчи ёлғиз боқувчига эга оила вакили, оила боши – аёл ёки асосий ариза берувчи – аёл	10	
	Ягона/ёлғиз боқувчига эга бўлган оила	7	
	Бошқалар	0	
5	Ариза берувчининг асосий фаолият тури		Иш берувчи ёки туман Давлат солиқ инспекциясидан маълумотнома
	Ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, фермер ёки фермер ва деҳқон хўжалиги ишчиси	10	
	Иктисодиётнинг реал сектори ва хизматлар соҳаси	8	
	Бошқалар	5	
6	Ҳозирги турар жой мақоми		Қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишли туман ҳокимлиги ҳузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссия баҳолаши
	Ижара	10	
	Эгасининг рухсати билан текин турар жой	6	
	Тўлиқ ўз мулкида (эр-хотин бирга)	2	
	Энг юқори балл	60	

Ариза берувчи - уй қурувчининг 2017-2021 йилларда
қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар
бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок
этиши тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

АРИЗА БЕРУВЧИНИНГ УЙ-ЖОЙ ШАРОИТЛАРИНИ ТЕКШИРИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

20__ йил “__” _____

_____ тумани ҳузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссия
қуйидаги таркибда _____

(Комиссия аъзоларининг Ф.И.О.)

_____ (даҳа, массив) _____ кўчаси, _____ -уй, _____ -корпус, _____ -
квартирада яшаётган фуқаро _____

(Ф.И.О.)

турар жой шароитларини текширувдан ўтказди ва қуйидагиларни аниқлади:

1. _____ уйда эгаллаб турилган турар жойнинг
_____ умумий майдони _____ кв.м. яшаш майдони _____ кв.м. _____ хоналардан
ибора.

Ҳар бир хонанинг ўлчами _____ кв.м.
_____ кв.м.
_____ кв.м.

_____ -қаватли уйнинг _____ -қаватида _____ хоналар.

Уй _____
(ғишт, панель, ёғоч, эски, авария ҳолатида)

Хоналар _____
(қурук, зах, ёруғ, қоронғи)

Квартира _____
(алоҳида, коммунал)

2. Уй-жойнинг (турар жойнинг) ободонлаштирилиши: _____

(сув таъминоти, канализация, иситиш (марказий, печь билан), пардоз берилган, иссиқ сув, ванна, телефон)

3. _____

(Ф.И.О.)

(турар жойни ижарага олувчи, уй эгаси (кераклисининг таги чизилсин))

4. Ушбу турар жой майдонида яшовчилар:

T/p	Ф.И.О.	Туғилган санаси	Қариндошлик муносабатлари	Бандлиги (фаолият тури)	Ногиронлик гуруҳи / Сурункали касаллигининг даражаси
1					
2					
3					
4					
5					
6					
7					

5. Оила моддий ҳолатининг даражаси (паст, ўрта, юкори) ва бундай баҳоланишнинг сабаблари:

6. Турар жойнинг яшаш учун яроқсизлиги сабаблари:

7. Комиссиянинг хулосаси:

Комиссия аъзоларининг имзолари:

1.	_____	_____	_____
	(Ф.И.О.)	(имзо)	(лавозими)
2.	_____	_____	_____
	(Ф.И.О.)	(имзо)	(лавозими)
3.	_____	_____	_____
	(Ф.И.О.)	(имзо)	(лавозими)
4.	_____	_____	_____
	(Ф.И.О.)	(имзо)	(лавозими)
5.	_____	_____	_____
	(Ф.И.О.)	(имзо)	(лавозими)
6.	_____	_____	_____
	(Ф.И.О.)	(имзо)	(лавозими)
7.	_____	_____	_____
	(Ф.И.О.)	(имзо)	(лавозими)
8.	_____	_____	_____
	(Ф.И.О.)	(имзо)	(лавозими)

Ариза берувчи:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

20 ___ йил “ ___ ” _____

Ариза берувчи - уй қурувчининг 2017-2021 йилларда
қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар
бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок
этиши тартиби тўғрисидаги низомга
7-илова

**“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК” МЧЖ ва иштирок этувчи тижорат банкининг
филиалларига тақдим этиш учун ариза берувчида уй-жой шароитларини
яхшилашга эҳтиёж мавжудлиги тўғрисида _____ тумани
ҳокимлиги ҳузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг
ЎЗМА ТАВСИЯСИ**

№ _____

Дастур доирасида қишлоқ жойларда арзон уй-жой қуриш учун “Қишлоқ қурилиш
инвест” ИК” МЧЖ филиали билан дастлабки шартномани тузиш ва иштирок этувчи
тижорат банкининг филиалида ипотека кредити олиш учун

_____ (доимий яшаш жойининг манзили кўрсатилади)

манзилида доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси (талабгор)

_____ га

_____ (Ф.И.О.)

берилди.

Ушбу тавсия _____ тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Талабгорларни танлаш
бўйича комиссия томонидан тузилган 20__ йил “__” _____ даги _____-сон Ариза
берувчида уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёж амалда мавжудлиги ёки йўқлиги
тўғрисида уй-жой шароитларини текшириш далолатномасига мувофиқ берилди.

Бунда, _____

_____ (талабгорнинг Ф.И.О.)

қуйидаги ижтимоий мезонларга мувофиқлиги инобатга олинган:

- 1) _____ ;
- 2) _____ ;
- 3) _____ .

(Ариза берувчи - уй қурувчининг 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар
бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандида
назарда тутилган ижтимоий мезонлар кўрсатилади)

*Ушбу ёзма тавсия Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда қишлоқ
жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида” 2016 йил
21 октябрдаги ПҚ-2639-сон қарорига ва Ариза берувчи-уй қурувчининг 2017-2021 йилларда қишлоқ
жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши
тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ берилди.*

Комиссия раиси

_____ (имзо / муҳр)

_____ (Ф.И.О)

Комиссия котиби

_____ (имзо / муҳр)

_____ (Ф.И.О)

20__ йил “__” _____
(берилган сана)



9 «февраля» 2018 й. г. № 103

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Об утверждении Положения о порядке участия заявителя-застройщика
в Программе по строительству доступных жилых домов по обновленным
типовым проектам в сельской местности на 2017-2021 годы**

Во исполнение постановлений Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2016 года № ПП-2639 «О Программе по строительству доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности на 2017-2021 годы», от 2 марта 2017 года № ПП-2812 «О дополнительных мерах по реализации Программы по строительству доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности на 2017-2021 годы с участием Азиатского банка развития» и от 18 января 2018 года № ПП-3480 «О мерах по эффективной реализации целевых программ по развитию жилищного строительства в 2018 году», а также в целях дальнейшего совершенствования механизма отбора потенциальных застройщиков доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности, Кабинет Министров постановляет:

1. Утвердить Положение о порядке участия заявителя-застройщика в Программе по строительству доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности на 2017-2021 годы согласно приложению.

2. Признать утратившим силу постановление Кабинета Министров от 24 ноября 2016 г. № 393 «Об утверждении Положения о порядке участия заявителя-застройщика в Программе по строительству доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности на 2017-2021 годы на основе рекомендаций органов самоуправления граждан» (СП Республики Узбекистан, 2016 г., № 11, ст.106).

3. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Первого заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан – председателя правления АО «Узбекистон темир йуллари» Раматова А.Ж. и заместителя Премьер-министра – министра финансов Республики Узбекистан Кучкарова Д.А.

**Премьер-министр
Республики Узбекистан**



А. Арипов

ПОЛОЖЕНИЕ
о порядке участия заявителя-застройщика в Программе по строительству
доступных жилых домов по обновленным типовым проектам
в сельской местности на 2017-2021 годы

Глава 1. Общие положения

1. Настоящее Положение определяет порядок отбора и участия застройщиков для строительства доступных жилых домов в сельской местности в рамках Программы по строительству доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности на 2017-2021 годы, утвержденной постановлением Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2016 года № ПП-2639 (далее – Программа), исходя из социальных потребностей потенциальных застройщиков в доступных жилых домах в сельской местности и социальной приоритетности потенциальных застройщиков в рамках Программы, определяемых комиссией по отбору претендентов, создаваемой при хокимияте соответствующего района.

